# Намунали касаба уюшмасида ўқув-семенар

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида 2018 йил 15 февралда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ёшлар билан иш олиб бориш ҳамда Ёшлар бирлашмалари фаолиятини мустаҳкамлаш, ёшларнинг ўзаро тажриба алмашишини ташкил этиш мақсадида ўқув –семинари ўтказилди. Институт бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси Республика институтлари ўртасида намунали деб топилди ва тажрибани ўрганиш ва иш фаолияти билан бевосита таниш учун тингловчилар ташрифи уюштирилди. Касаба уюшмасининг фаолияти ва йиллик иш режаси билан таништирилиб, Ёшлар билан ишлаш комиссияси етакчиси томонидан қилинган ва қилиниши режалаштирилган ишлар юзасидан тақдимот тингланди. Ўқув-семенари иштирокчиларига институтимизда ёшларга яратилган имкониятлар бщйича маълумотлар берилди ва институт бўйлаб, таништирув экскурсияси уюштирилди.